

«Тасдиқлайман»

“Ўнгқирғок” коллектори тизимидан  
фойдаланиш бошқармаси бошлиғи

Ф.Ф.Давронов

«Ронин»

2022 йил



## БАЖАРУВЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАБ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Танлов ҳужжатларининг мазмуни

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- 2.техник қисм
- 3.нархлар қисми

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Бухоро вилоятининг турли тупрок-мелиоратив шароитида ғўзани томчилатиб суғориш технологияси орқали кам минерализациялашган зовур сувларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши мавзусида тадқиқот ишларини бажариш 2022 йил май ойи давомида хизмат кўрсатиши.

1.2. ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ хатлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган ушбу хатлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. ишларнинг бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб йил давомида 90 кунга кадар.

1.5. ишларнинг бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Ўнгқирғок” коллектори тизимидан фойдаланиш бошқармаси (Бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили Бухоро вил. Қоғон тумани Туткунда ҚФЙ Тел./факс 65- 228-79-49 65-228-77-26

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов “Ўнгқирғок” коллектори тизимидан фойдаланиш бошқармаси "Буюртмачи" томонидан тузилган. Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, камила 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

• 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйилаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камидаги 15 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб, ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги.

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;
- танлов обьектига ўхшаш обектларла ишлаш тажрибасининг мавжудлиги
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);
- Бюджет ва солик органларидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги:

Низом маблағи миқдори,

3.3. Агар танлов прелмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди.

қайта ташкил этиш (ажратилиши, кўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида. турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжуллар.

#### 4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар Буюртмачи ва иштирок) ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида кўйдагилар тақдим этилиши лозим:

**Техник кисем**, Буюртмачи томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак:

Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган. ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

#### 4.4. қуиилаги хужжатлар түликтүү бўлишни талаб этилали:

- Техник ва хужжат бўйича қуидаги таклифлар;
- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;
- \* Техник хужжатлар рўйхати (техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

#### 4.5. Танлов иштирокчиси.

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига түликтүү жавобгар бўлади.
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқукига эга.

### 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиши муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан 5-календар кунга узайтириши мумкин

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталаида жойлаштирилиши лозим.

### 6. ТОМОНЛАРНИИГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликла белгиланган тартибда жавобгар бўлалилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликла белгиланган тартибла қилиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

### 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида танловлар иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳакли. Товарни (ишни/хизматни) ўзгартиришга йўл

кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камидаги ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўрон давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидаги икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аълолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиши тўғрисида сўров юборишига хақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.